



## РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШДА РАҚАМЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**А.Т.Махамадиев**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва  
тадбиркорлик олий мактаби магистранти*

**Аннотация:** Мақолада, реал сектор корхоналарда молиявий рискларни бошқаришни такомиллаштириш ва уларга қулай, осон ва тез равишда корхонага хавф солаётган молиявий рискларни аниқлаш, баҳолаш, камайтириш ва мониторинг қилишда тайёр ишлаб чиқарилган сценарийлардан бирини танлашга имкон берувчи рақамли технологияларни жорий этиш, ҳамда "Гартнер сеҳрли квадрати" дан фойдаланиш истиқболлари кўрилди.

**Калит сўзлар:** молиявий риск, рақамли технологиялар, дастурий таъминот, "Гартнер сеҳрли квадрати".

**Аннотация:** В статье представлены перспективы использования цифровых технологий и магического квадрата Гартнер, которые позволяют реальному сектору улучшить управление финансовыми рисками на предприятиях и выбрать один из готовых сценариев для выявления, оценки, снижения и мониторинга финансовых рисков для предприятия удобным, легким и быстрым способом.

**Ключевые слова:** финансовый риск, цифровые технологии, программное обеспечение, магический квадрат Гартнер.

**Abstract:** The article presents the prospects for using digital technologies and the Gartner magic square, which allow the real sector to improve financial risk management in enterprises and choose one of the ready-made scenarios for identifying, assessing, reducing and monitoring financial risks for an enterprise in a convenient, easy and fast way.

**Keywords:** financial risk, digital technology, software, Gartner magic square

XXI аср технологиялар асри бўлгани сабабли, илмий-техник тараққиёт сайёрамиз бўйлаб қадам ташлаб, технология тобора ривожланиб, самаралироқ ва фойдаланувчилар учун қулайроқ бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, янги кўрсаткичлар тизими яратилиб, дастурий таъминотлар универсаллаштирилиб, мураккаблашмоқда. Бу жараёнда, молиявий рисклар таъсирини эътиборсиз қолдириш, молиявий натижаларга бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бизнес жараёнлари самарадорлигини риск остига қўйишни англатади. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт ривожини ва инновацияларга катта эътибор берилмоқда.

Рақамлаштириш кучайиб бориши, рақамлаштирилган ахборот дастурларига бўлган талабни орттиради. Бундан ташқари, инновациялар янги



турдаги молиявий рискларни ҳам келтириб чиқариши табиийдир. Доимий равишда ўзгариб турадиган кўп сонли молиявий рискларни бошқариш эса мураккаб жараён ҳисобланади. Рақамлаштирилган тизимлардан фойдаланмасдан, молиявий рискларни тез ва аниқ баҳолаш, уларга вақтида жавоб бериш мумкин эмас. Бутун дунё корпоратив секторида молиявий рискларни бошқариш бўйича ихтисослаштирилган дастурий таъминот катта талабга эгаллигини ҳисобга олсак, бу тизимларни бизнинг тизимга интеграция қилиш муҳимдир. Демак, реал сектор корхоналарида молиявий рискларни бошқариш амалиётида қуйидаги муаммоларнинг мавжудлиги бу борада чуқур таҳлиллар олиб боришга ундади:

- Молиявий рискларни бошқариш механизмининг мавжуд эмаслиги;
- Реал сектор корхоналари бошқарув тузилмасидаги молиявий масалалар бўйича жавобгарнинг мавжуд эмаслиги;
- Молиявий бошқарувда рақамлаштирилган тизимлардан фойдаланиш кенг тарқалмаганлиги;
- Молиявий рисклар бўйича билим ва кўникмаларнинг камлиги ва бошқалар.

Рақамлаштирилган тизимларни молиявий ресурсларга киритиш ва рискларни бошқариш жараёнига бир нечта омиллар таъсир қилади, улар орасида биринчидан, корхонанинг саноати ва кўлами, иккинчидан, ресурсларнинг умумий молиявий оқими, учинчидан, дастурий таъминот нархи ҳисобланади. Рақамлаштирилган тизимларни рискларни бошқариш жараёнига маслаҳат киритишда рискларни баҳолаш элементларини ўзаро таъсирга кўшилиши, консультация қилиш, қабул қилиш ва қарор қабул қилиш, ҳужжатларнинг хўжалик юритувчи субъект фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ва мониторингини таъминлаш учун қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш керак: рискларни баҳолаш, захираларни шакллантириш, тезкор бошқариш ва риск омилларини мониторинг қилиш [2]. Молиявий рискларни рақамлаштирилган тарзда бошқариш тизимларини жорий этиш асосан суғурта компанияларида, валюта билан ишлайдиган компанияларда, шунингдек фаолияти юқори молиявий рисклар мавжудлиги билан боғлиқ бўлган корхоналарда амалга оширилади [3].

Молиявий рискларни бошқаришда рақамлаштирилган тизимлардан фойдаланиш самарадорлиги борасида бир қанча илмий мақолаларда исботланган бўлиб, О.А.Паутова ва бошқалар кемасозлик корхонасида ишлаб чиқариш рискинни бошқариш бўйича рақамлаштирилган тизимни жорий этиш хусусиятлари ва унинг фаолияти рисклилиқ ҳолатларини аниқ стимуляция қилиш, риск қилиш эҳтимоли ва оқибатларини баҳолаш, рискларни юқори аниқлик билан таҳлил қилиш имкониятини ёритган бўлсалар [4], В.А.Шугорева оператив банк рискларини бошқариш жараёнини оптималлаштириш учун



банкларда ихтисослаштирилган рақамлаштирилган тизимларни бирлаштириш зарурлиги ҳақида таъкидлаган [5]. Н.Н.Буторин ва Д.А.Павлов айнан, реал сектор корхонада рискларни бошқаришда рақамлаштирилган тизимини жорий этиш самарадорлигини таҳлил қилди [6]. Г.П.Сапко ва бошқаларнинг илмий ишида бошқарув жараёни бошқаришда рақамлаштирилган тизимларининг хавфсизлик riskини таҳлил қилиш ва бошқариш бўйича асосий ёндашувларнинг умумий кўриниши келтирилган [7]. Д.В.Сулим эса, молиявий рискларни ҳисоблашни рақамлаштириш зарурлиги ва молиявий riskни баҳолашнинг самарали усули бўлган – VaR усулини кўриб чиқади [8]. Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш, иқтисодий-математик моделлаштириш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, молиявий рискларни бошқариш методологиясини ишлаб чиқиш доирасида, молиявий рискларни бошқариш тизимининг тушунчалари аниқланди, молиявий рисклар таснифланди ва баҳолаш методологияси шакллантирилди.

#### Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда, мамлакатимизда ва бир қатор илмий тадқиқотларда хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлаш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш йўналишида молия-хўжалик фаолияти, маъмурий тартиботлар, ишлаб чиқариш, технологик ва бошқарув жараёнларида рақамли технологиялар ва автоматлаштирилган тизимларни ривожлантирилмоқда. “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” (ПФ-6079 05.10.2020й) ги фармонга кўра, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этилиши белгиланиб қўйилди. Шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторида рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилиши белгиланди.

Молиявий рискларни бошқариш рақамлаштирилган тизимини жорий этишнинг иккита варианты мавжуд: йирик корхоналарни бошқариш бўйича ахборот тизимининг бир қисми сифатида ихтисослашган модул ёки алоҳида тизим жорий этиш. Биринчи ҳолда, лойиҳанинг муддати молиявий риск бошқарув тизимининг ўзи амалга оширилиш вақти билан белгиланади, аммо

натижада компания интеграл ечимни олади. Иккинчи ҳолда, корхонада қайси молиявий риск бошқарув тизими ишлатилишига боғлиқлик йўқ, лекин, қоида тариқасида, қўшимча интеграция ишлари талаб қилинади. Шунинг учун холдинг тузилишига эга бўлган, кўплаб бўлинмалари ўзларининг IT-инфратузилмаси ва турли хил молиявий риск бошқарув тизимларига эга бўлган компанияларга мустақил равишда молиявий рискларни бошқариш тизимини жорий этиш тавсия этилиши мумкин.

Тўлиқ ишлайдиган молиявий рискларни бошқариш тизимига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагича шакллантирилиши мумкин (1-расм):



1-расм. Молиявий рискларни бошқариш тизимига қўйиладиган асосий талабларни шакллантирилиши [9]

Молиявий рискларни бошқариш функцияларини амалга оширадиган жуда кўплаб тизимлар мавжуд. Улардан баъзилари молиявий рискларни бошқариш модулига эга лойиҳаларни бошқариш бўйича ахборот тизимлари, бошқалари режалаштириш тизимларига иловалар, ҳамда қўшимчалар ёки мустақил равишда молиявий рискларни бошқариш учун дастурий маҳсулотларни ташкил этади.

Қуйидаги жадвалда молиявий рискларни бошқариш бўйича энг кўп фойдаланиладиган IT-тизимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларга тизимлаштирилган ҳолда таъриф шакллантирилган (1-жадвал).

Рақамлаштирилган молиявий рискларни бошқариш тизими, аввало, бизнес жараёнларини моделлаштириш тизими билан бирлаштирилиши керак. Ушбу интеграция бизнес-жараёнларни ташкил этиш схемаларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни рақамли равишда назорат ва мониторинг жараёнларини рўйхатдан ўтказиш учун масъул бўлган рақамлаштирилган молиявий рискларни бошқариш тизимига ўтказишга имкон беради. Шу билан бирга, моделлаштириш тизими билан интеграция қилиш мажбурий эмас, чунки бизнес жараёнлари анъанавий равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шаклида олиб борилиши мумкин, шунингдек жараёнлар, молиявий рисклар ва бошқарув



каталоги тўғридан-тўғри рақамлаштирилган молиявий рискларни бошқариш тизимида амалга оширилиши мумкин.

Молиявий рискларни бошқариш тизими компания ходимларини бошқариш тизими билан интеграциялашуви жараёнларни назорат қилиш ва узлуксизлигини таъминлашга имкон беради. Бундай бирлашув натижасида, масалан, маълум бир жараён учун масъул бўлган ходим ишдан бўшатирилган тақдирда, молиявий рискларни бошқариш тизимида электрон почта орқали хабарнома олган янги масъул шахс тайинланади.

Рақамлаштирилган молиявий рискларни бошқариш тизимини амалга ошириш бўйича лойиҳанинг муваффақияти, бошқа ҳар қандай IT-лоийҳалар сингари, асосан лойиҳа шериги танловига боғлиқ. Консалтинг компанияси билан ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш тажрибаси, тизим асосида аниқ бир ечим билан ишлаш бўйича тажриба, кейинчалик техник кўмак бериш - бу мезонларга лойиҳа ижрочисини аниқлашда эътибор бериш керак.

Амалиётдан кўриниб турибдики, молиявий рискларни бошқариш жорий қилиш муаммоларини ҳал қилишда дуч келадиган асосий қийинчилик - бу ходимларнинг ўз фаолиятини молиявий рисклар ва уларни амалга ошириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишнинг қийинлигидадир. Шу сабабли, жараённинг барча иштирокчиларига компания учун молиявий рискларни бошқариш тизимини ташкил этиш зарурлигини, уларнинг ушбу тизимдаги ролини тушунтириш жуда муҳимдир. Шу муносабат билан, ходимлар учун ўқув семинарлари компаниянинг молиявий рискларни бошқариш бўлими мутахассисларининг бевосита иштирокида ўтказилиши керак. Бизнинг шароитимизда, Ўзбекистон реал сектор корхоналари молиявий фаолиятига бу тизимларни жорий қилиш учун ахборот етишмаслиги муаммоси мавжуд бўлиши мумкин. Бунинг учун, бугунги кунда, дунёда барча корпоратив тузилмалар қизиқиш билан кузатадиган машҳур “Интеграцион риск бошқарувининг Гартнер сеҳрли квадрати” (“Magic Quadrant Gartner Integrated Risk Management”) деб номланувчи статистик тадқиқотлар агентлиги мавжуд бўлиб, у рақамлаштирилган тизим маҳсулотлари ва уларни етказиб берувчилари тўғрисида ҳар йили ўз ҳисоботини тақдим этиб боради.

Гартнер сеҳрли майдони (Gartner Magic Square) - бу бозор конъюктурасининг график тасвири бўлиб, маҳсулот ва ишлаб чиқарувчиларнинг ўз имкониятларини баҳолашга имкон беради. Гартнер таҳлил агентлиги томонидан ишлаб чиқилади. Гартнер ўз ҳисоботларида нафақат дастурий таъминотнинг сифати ва имкониятларини, балки сотувчини сотиш ва мижозлар тажрибаси, бозорни англаш, бизнес-моделли, инновация, маркетинг стратегияси, сотиш, саноатни ривожлантириш каби хусусиятларини ҳам ҳисобга олади. Асосий параметрлар бўйича сотувчилар 4 гуруҳга бўлинган:



етакчилар, етакчиликка номзодлар, келажакни ўйлайдиганлар ва яхши ўйинчилар. Бу квадратни яхшироқ тушуниш учун, 2-расмда тасвирладик.

2-расмда келтирилган, маълум ҳолатларга тўхталсак, бу ерда:

Етакчилар (лидерлар) - барча ўлчовлар бўйича доимий тараққиёт ва ҳаракатларни намоёиш этадилар. Уларнинг ҳаракатлари бозорда рақобат даражасини кўтареди, улар бутун саноатнинг ривожланиш йўналишини ўзгартириши мумкин. Бироқ, етакчилар гуруҳига киритилган ишлаб чиқарувчи ҳар доим ҳам энг мақбул эмас, чунки баъзи мижозларнинг талаблари ва эҳтиёжлари қондирилмаслиги мумкин.

Номзодлар - бозорнинг асосий талабларига жавоб берадиган ва юқори даражадаги сотувлар, машҳурлик ва бозор улушига эга бўлган сифатли маҳсулотларга эга бўлиб, улар ўзларининг яхши ўйинчиларидан устун бўлишларига имкон беради. Улар асосий функциялар даражасида рақобатлашиб, ривожланган хусусиятлар даражасида эмас, балки ўзлари учун фойда олишади. Ушбу сотувчиларнинг маҳсулотлари жуда ихтисослашган вазифаларни ҳал қилиш учунгина тўғри келади.

Яхши ўйинчилар - маҳсулотнинг кейинги авлодининг асосини ташкил этадиган, харидорларга яхшиланган бошқарув ва рисксизликка тезроқ кириш имкониятини берадиган етакчи технологияларга сармоя киритувчилардир. Ушбу гуруҳнинг сотувчилари саноатнинг ривожланишига таъсир қилиши мумкин, аммо улар раҳбарларга ва етакчиликка интилганларга таъсир қила олмайди.

Кўрувчилар - харидорларнинг асосий талабларига жавоб берадиган ҳаётий ечимларни таклиф этади. Улар якуний харидлар рўйхатига кириши эҳтимоли йироқ, аммо уларга имконият берилиши керак. Кўпинча, ушбу сотувчилар бозорга таъсир ўтказиш имкониятларини бой беришади, аммо бу улар саноат раҳбарларига эҳтиёткорлик билан эргашиларини англатмайди. Ўйинчилар кичик бозор сегментларини нишонга олишлари ва кўпинча улар бўйича етакчиларга қараганда яхшироқ ишлашлари мумкин. Дастурий маҳсулотнинг барқарорлиги, бир нечта муҳим функциялари ва хусусиятларига эътибор, ишлаб чиқарувчининг узоқ муддатли ва катта ривожланиш режаларидан кўра муҳимроқ бўлганда, харидорлар ушбу турдаги сотувчиларга устунлик беришади.

Хулоса ва таклифлар

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар, асосан рақамли технологияларни жорий этиш ва корпоратив бошқарувни ривожлантиришга қаратилганилигини ҳисобга олсак, реал сектор корхоналари молиявий рискларини рақамлаштирилган тизимлардан фойдаланган ҳолда бошқариш тизимини жорий этиш корхона фаолияти самарадорлигини таъминлашга имкон беради.



Умуман олганда, юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

- бутун компания бўйлаб молиявий рискларни бошқариш бўйича ягона методологияни амалга ошириш. Тизимни қуришда корхонада молиявий рискларни бошқариш моделининг ўзига хослиги ҳисобга олинади, шу билан бирга барча бизнес жараёнлар учун ягона методология қўлланилади;

- молиявий рискларни каталоглаштириш. Рақамлаштириш воситаларидан фойдаланиш нафақат молиявий рискларни бошқариш тизимининг ҳозирги ҳолати ҳақида, балки ўтган даврлар учун маълумот олиш учун ҳам яхлит кўринишни шакллантиришга имкон беради;

- молиявий рискларни бошқариш шаффофлигини таъминлаш. Тизимни татбиқ этишнинг муҳим натижаси - бу молиявий рисклар харитасини молиявий рискларни бошқарувчиларидан жараёнларни кейинги назорат қилиш ва ривожлантириш учун эгаларига ўтказишдир, чунки ҳеч ким бизнес жараёни ва унинг молиявий рискларини эгасидан яхши билмайди;

- барча жараёнларнинг бажарилишини назорат қилиш. Назорат қилиш тартиб-қоидаларда кўрсатилган бўлади. Аммо ушбу жараёнлар қаерда ва қандай амалга ошириляётгани, уларнинг соҳасидаги самарадорлиги қандай баҳоланганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ. Тизим компанияда ички назорат тизимининг онлайн ҳолатини хабардор бўлиш учун қулай бўлган назорат жараёнларининг бажарилишини қайд этиш ва ўз-ўзини баҳолашга имкон беради;

- бизнес жараёнларидаги ўзгаришларни бошқаришни осонлаштириш. Тизимдаги барча маълумотлар персонификация қилинганлиги сабабли (маълумотлар тўғридан-тўғри тизимга назорат жараёнлари эгалари томонидан киритилади), агар қоидалар ҳақиқатга тўғри келмаса, тизим хато бажарилган жараёнга масъул бўлган ходимлардан тезкор жавоб фикрини олиш имконини беради;

- аллақачон юзага келган молиявий рискларни таҳлил қилиш учун маълумот олиш ва натижаларни кузатиш. Вужудга келиб бўлган молиявий рискларнинг ишончли маълумотларни олишга имкон беради;

- “масофавий аудит” ўтказиш қобилиятини ошириш. Тасдиқлаш тизимида назорат жараёнларининг мавжудлиги, узоқдаги филиалларга ташриф буюрмасдан уларнинг иш фаолиятини текширишга имкон беради;

- ички аудит учун маълумотлар тўплаш. Тизим компаниядаги молиявий рискларни бошқариш тизимининг ҳолати тўғрисида ҳам долзарб, ҳам тарихий маълумотларни олиш имконини беради, бу ички аудиторлар томонидан текширувларни ўтказилишини соддалаштиради. Тизимда муайян жараёнлар, молиявий рисклар ва бошқарув элементлари билан ўзаро боғлиқ бўлган аудиторлик натижаларининг мавжудлиги, аудиторлик натижалари асосида



фаолиятни амалга оширилишини назорат қилиш қобилияти жараён эгалари ва молиявий риск менежерларига ўз фаолиятида ёрдам беради.

### ФҲЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

2. Медовников Д.С., Оганесян Т.К., Розмиров С.Д. Актуальные тренды развития российских быстрорастущих технологических компаний (на основе опроса компаний, участвующих в рейтинге) “ТехУспех” 2018 г

3. Лопарева А. М. Бизнес-планирование: учебник для среднего профессионального образования. 3-е изд., М: Юрайт, 2020. 273 с.

4. О.А. Паутова, Т.А. Михеева, Е.Г. Бурмистров. Автоматизированная система управления производственными рисками на судостроительном предприятии. Архитектура и основы функционирования. Труды конгресса “Великие реки” Выпуск 7, 2018 г.

5. Щугорева В.А. Критерии и необходимость внедрения автоматизированной системы управления операционными рисками в Российском банке. Примеры решений. Экономические науки. Апрель 2015

6. Буторин Н.Н., Павлов Д.А. Автоматизация риск-менеджмента. Вестник науки и образования. 2018. Т. 2. № 5 (41). 39-41 с.

7. Цапко Г.П., Вериго А.А., Каташев А.С. Анализ рисков безопасности автоматизированных систем управления технологическими процессами. Международный научно-исследовательский журнал. № 11 (53) Ноябрь 2016 г.

8. Сулим Д.В. Автоматизация эффективных методов измерения финансового риска. “Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук” М: №3, 2011 г.